



Ислом Нури

авол:

Ўликка Қуръон ўқиб яъни хатм қилиб бағишласа бўладими?
Бўлмайдиган бўлса, ҳадис билан далил келтиринглар иложи борича.
Агар бўладиган бўлса ҳам ҳадис билан далил келтиринглар!

Жавоб:

Ҳурматли биродар ислом динида далиллар Қуръондан, суннатдан ва ижмоъдан бўлади агар булардан далил топилмаса қиёс қилинади. Қиёсни фақат уламолар қилади.

Сиз айтган амалнинг жоизлигига ҳадисда далил йўқ, бироқ баъзи уламолар бу амални бошқа амалларга қиёс қилишган. Бир саҳоба Шубрума деган кишининг номидан ҳаж қилмоқчи бўлганда расулуллоҳ ундан: «ўзинг ҳаж қилганмисан» деб сўрадилар? У йўқ деди. «Аввал ўзингга ҳаж қил, кейин унга қиласан» дедилар. Яъни унинг биров номидан ҳаж қилишини қайтармадилар. Демак, ўлиб кетган одамга бирор амалнинг савобини йўлланса у бундан фойдаланар экан. Қуръон ўқиш ҳам шундай, хатм қилиш шарт эмас агар қилса яхши, Қуръон ўқиб унинг савобини бағишласин.

Бироқ бу амални бир нарса бузиб кўяди. Агар биронта қорига пул бериб ёки ош қилиб едириб энди битта хатм қилиб юборинг фалончига бағишлайлик деса бўлмайди. Чунки бу амалда ихлос ўрнига пул ёки жигилдонни ёғлаш турипти. Аммо бир киши хоҳлаганича Қуръон ўқиб унинг савобини бирорта ўтиб кетган мусулмонга бағишласа ин ша Аллоҳ унинг савоби етади. Агар бу Қуръон ўқувчи маййитнинг фарзандларидан бўлса унинг савобини етишида шак-шубҳа йўқ. Ҳадисда айтилишича фарзандлар отанинг касбидандир, ва яна бир



ҳадисда “...ёки орқасидан дуо қиладиган солиҳ фарзанд қолдирган бўлса” дейилган.

Ўлик чиққан хонадонларда қориларни ижарага олиб, уларга Қуръон ўқитилса, унинг савоби етмаслиги ишончга яқинроқ. Чунки бу амал, саҳобаю тобеинлар қилмаган бидъат ишлардир. Бу амал учун бирор қиёс қилинадиган амал ҳам йўқ. Чунки бу динни дўкон қилиб олишдир.